

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Үн.22.01  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**МИРУКТАМОВА ФЕРУЗА ЛУТФУЛЛАЕВНА**

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ОДИЛ СУДЛОВИНИНГ ХАЛҚАРО  
СТАНДАРТЛАРИ**

12.00.10 – Халқаро ҳуқуқ

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации**

**Content of the Doctoral Dissertation Abstract**

<b>Мируктамова Феруза Лутфуллаевна</b> Вояга етмаганлар одил судловининг халқаро стандартлари .....	3
<b>Мируктамова Феруза Лутфуллаевна</b> Международные стандарты правосудия в отношении несовершеннолетних.....	26
<b>Miruktamova Feruza Lutfullayevna</b> International standards of juvenile justice.....	49
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	53

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Үн.22.01  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**МИРУКТАМОВА ФЕРУЗА ЛУТФУЛЛАЕВНА**

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ОДИЛ СУДЛОВИНИНГ ХАЛҚАРО  
СТАНДАРТЛАРИ**

12.00.10 – Халқаро ҳуқуқ

**юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Уи54 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tsul.uz/uz-Ilmiy-kengash](http://www.tsul.uz/uz-Ilmiy-kengash)) ва "ZiyoNET" Ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Исмаилов Баходир Исламович**

юридик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Умарахунов Иркин Мирзахидович**

юридик фанлар доктори, профессор

**Ганибаева Шахноза Каримбердиевна**

юридик фанлар номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси  
Миллий маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/30.12.2019.Уи.22.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил 11 декабрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси 35. Тел.: (998971) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: [info@tsul.uz](mailto:info@tsul.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (995-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, А.Темур кўчаси 13. Тел.: (998971) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2021 йил 25 ноябрь куни тарқатилди.

(2021 йил 25 ноябрдаги 17-рақамли реестр баённомаси).



**И.Р.Рустамбеков**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш  
раиси, юридик фанлар доктори, профессор

**Д.Ю.Ҳабибуллаев**  
Илмий даражалар берувчи Бир марталик илмий кенгаш  
котиби, юридик фанлар номзоди, профессор

**Г.Юлдашева**  
Илмий даражалар берувчи Бир марталик илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар  
доктори, профессор

## Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги глобаллашаётган даврда бутун дунёда вояга етмаганлар одил судлови тизимида уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Рақамли трансформация кучайган ҳозирги кунда вояга етмаганларга нисбатан одил судловни таъминлаш масаласи долзарб аҳамиятга эга. БМТнинг Бола ҳуқуқлари қўмитаси ўзининг 24-сонли Умумий тартибдаги мулоҳазаларида (2019)<sup>1</sup> “Болалар жисмоний ва психологик ривожланиши билан ёши катталардан фарқ қилади. Бундай фарқлар болалар учун мўлжалланган, индивидуаллаштирилган ёндашувга эга бўлган алоҳида тизимни яратишга асос бўлади” деб таъкидлайди. Шунингдек, рақамли макон болалар ҳаётининг аксарият қисмида, айниқса, инкироз даврида тобора муҳим аҳамият касб этаётганлигини ҳисобга олганда, интернет тизими болалар ҳуқуқларини амалга ошириш учун янги имкониятлар яратмоқда, шу билан бирга улар ҳуқуқларининг бузилиш хавфини ҳам юзага келтирмоқда. БМТнинг Бола ҳуқуқлари қўмитаси ўзининг 25-сонли Умумий тартибдаги мулоҳазаларида (2021)<sup>2</sup> барча иштирокчи давлатларни рақамли муҳитда бола ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, ҳимоя қилиш ва амалга ошириш билан боғлиқ имкониятлар, хавф ва қийинчиликлар нуқтаи назаридан Конвенцияни амалга оширишга чақиради. Шу туфайли, вояга етмаганлар одил судловига оид халқаро стандартлар ва уларни имплементация қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалаларини такомиллаштириш ҳамда ушбу мавзуда тадқиқот олиб бориш долзарб аҳамият касб этади.

Жаҳонда вояга етмаганларнинг одил судловдан фойдаланиши ҳуқуқини таъминлаш, вояга етмаганларнинг одил судловига доир халқаро стандартларни имплементация қилиш, рақамли трансформация даврида виртуал маконда болалар ҳуқуқларини таъминлаш, болаларнинг рақамли одил судловдан фойдаланишларига доир халқаро стандартларни такомиллаштириш, вояга етмаганларни одил судловдан четлатиш ва улар ҳуқуқларини қайта тиклаш ёндашувини жорий этиш, ҳуқуқбузарлик содир қилган болалар ижтимоий мослашувини таъминлашга доир тадқиқотлар ўтказишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистонда БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси талабларига риоя этилишини таъминлаш, болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, хусусан, одил судлов тизимида уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, вояга етмаганлар одил судловига доир халқаро стандартларни имплементация қилиш масалаларига устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Хусусан, 2019 йилда Ўзбекистон БМТнинг Бола ҳуқуқлари қўмитасига ўзининг бешинчи миллий ҳисоботининг тақдим этилиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бола ҳуқуқлари

<sup>1</sup> General comment No. 24 (2019) on children’s rights in the child justice system /

[https://tbinternet.ohchr.org/\\_layouts/15/treatybodyexternal/TBSearch.aspx?Lang=ru&TreatyID=5&DocTypeID=11](https://tbinternet.ohchr.org/_layouts/15/treatybodyexternal/TBSearch.aspx?Lang=ru&TreatyID=5&DocTypeID=11)

<sup>2</sup> General comment No. 25 (2021) on children’s rights in relation to the digital environment /

[https://tbinternet.ohchr.org/\\_layouts/15/treatybodyexternal/TBSearch.aspx?Lang=ru&TreatyID=5&DocTypeID=11](https://tbinternet.ohchr.org/_layouts/15/treatybodyexternal/TBSearch.aspx?Lang=ru&TreatyID=5&DocTypeID=11)

кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 22 апрельдаги ПҚ-4296-сон қарори<sup>1</sup>, “Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 29 майдаги ПҚ-4342-сон қарори<sup>2</sup>, “Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 29 майдаги ПҚ-4736-сон Қарори<sup>3</sup>, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 9 августдаги ПФ-6275-сон фармони<sup>4</sup>нинг қабул қилингани фикримизни тасдиқлайди.

Ўзбекистонда вояга етмаганлар одил судловига оид халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш, вояга етмаганлар одил судлови тизими ихтисослашувининг ташкилий-ҳуқуқий масалаларини ҳал этиш, пенитенциар муассасаларда болалар ҳуқуқларини таъминлаш ва вояга етмаганлар ҳуқуқларини қайта тиклаш одил судловига доир халқаро ҳуқуқий стандартларни амалиётга тадбиқ этиш, вояга етмаганлар одил судлови (juvenile justice) тизимини жорий этиш концепциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш, ҳуқуқбузарлик содир қилган вояга етмаганларнинг жамиятга реинтеграцияси ва қайта ижтимоийлашувини таъминлашда ижтимоий ишчилар фаолиятини такомиллаштириш каби ўз ечимини кутаётган бир қатор масалалар бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга.

Бола ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бугунги куннинг глобал муаммоларидан биридир, буни ҳал этишдан бутун дунё ҳамжамияти манфаатдордир. Мазкур масаланинг долзарблиги тўғрисида давлатимиз раҳбари ўзининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида шундай дейди: “Умуман, ҳар қандай жамият тараққиётида унинг келажагини таъминлайдиган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши ҳал қилувчи ўрин тутаети. Шу сабабли биз ислохотларимиз кўлами ва самарасини янада оширишда ҳар томонлама етук, замонавий билим ва ҳунарларни пухта эгаллаган, азму шижоатли, ташаббускор ёшларимизга таянамиз”<sup>5</sup>. Бу жамиятнинг яшовчанлиги ва унинг келажақдаги ривожини прогноз қилишда ўсиб келаётган авлод ҳал қилувчи роль ўйнашини аналитиклар аниқлаётди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4296-сон қарори <https://lex.uz/docs/4302023>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ- 4342-сон қарори <https://lex.uz/docs/4357207>

<sup>3</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.05.2020 й., 07/20/4736/0680-сон

<sup>4</sup> 2021 йил 9 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6275-сон фармони // <https://lex.uz/docs/5570490>

<sup>5</sup> 2020 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил 21 сентябрдаги БМТ Бош Ассамблеясининг 76-сессиясидаги нутқи<sup>1</sup>, 2021 йил 21 февральдаги БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясида қилган нутқи<sup>2</sup>, 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2017 йил 7 февральдаги Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 22 апрельдаги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 9 августдаги фармони ва 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид 2021 йил Давлат дастури иккинчи йўналишининг 2.2.-банди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясида кўрсатилган вазифаларни ва бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини муайян даражада амалга оширишга хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши бўйича бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда вояга етмаганлар одил судловининг халқаро стандартлари тизимининг назарий ва ҳуқуқий муаммолари алоҳида мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Ўзбекистонда вояга етмаганлар одил судлови ва халқаро-ҳуқуқий ҳимояси тизими соҳасидаги муносабатларни халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ этган олимлар қаторига Ғ.Абдумаджидов, Б.Исмаилов, М.Ҳамидова ва М.Раҳимоваларни киритиш мумкин<sup>3</sup>. Шунингдек, Ш.Ганибаеванинг “Ўзбекистон Республикасида Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг амалга оширилишининг халқаро-ҳуқуқий масалалари” номли диссертациясида бола ҳуқуқларини халқаро-ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг

<sup>1</sup> 2021 йил 21 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 76-сессиясидаги нутқи / <https://president.uz/uz/lists/view/4632>

<sup>2</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/4179>

<sup>3</sup> Абдумаджидов А.А. Международные ювенальные нормы и Уголовный кодекс Республики Узбекистан // Давлат ва ҳуқуқ журнали. – Тошкент, 2005. – № 2. – С.47-48; Абдумаджидов А.А. Права ребенка и гарантия их защиты в прогнозируемом законодательстве о детях в Республике Узбекистан // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари журнали. – Тошкент, 2006. – №1. – С.82-83; Исмаилов Б.И., Раҳимова М.А. Правовые основы системы ювенальной юстиции. Учебное пособие – Ташкент, UNICEF. 2003. – 169 с; Ҳамидова М.А. Ювенал юстиция у қандай бўлиши керак? Рисола. / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. Ҳ.Б.Бобоев. – Т.: ТДЮИ. 2006. – 40 б.

мазмуни ва асосий ривожланиш босқичлари мажмуи, бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида асосий халқаро-ҳуқуқий ҳужжат бўлган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция мазмуни ва унинг асосий қоидаларини Ўзбекистон Республикасида амалга ошириш масалалари таҳлил этилган.<sup>1</sup> Д.Каримованинг “Ўзбекистон ҳудудида бола ҳуқуқлари генезиси, эволюцияси ва унинг истиқболлари” номли тадқиқот ишида “бола” тушунчаси ва унинг тарихий-ҳуқуқий тавсифи, Ўзбекистон халқлари ҳуқуқий одатларида бола ҳуқуқ ва манфаатлари, исломда бола ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатлари, Совет мустамлакачилиги даврида бола ҳуқуқлари кафолатлари каби масалалар ўрганилган. Шунингдек, болаларни соғлиғи ва руҳиятига зарар етказувчи ахборотлардан асраш муаммолари ҳам диссертацияда таҳлил қилинган<sup>2</sup>.

Ўзбекистонда вояга етмаганлар одил судлови тизимининг айрим жиҳатлари мамлакатимиз олимлари – Б.И.Исмаилов, Н.Т.Исмоилов, З.Н.Эсанова, Б.Х.Пўлатов, А.А.Матчанов, А.Ирсалиев, Н.А.Рамазонова, Э.О.Кадиров, Г.С.Инамджанова, Р.А.Турдиев, З.К.Солиева, Э.Х.Холовалар асарларида таҳлил этилган.

МДХ доирасида А.С.Автономов, Э.Б. Мельникова, Л.М. Корнозова, О.А.Бондаренко, А.Х.Абашидзе, Л.Л. Зайцева, В.Р.Шмидт, В. Г.Просвирнин, О. Н.Ведерникова, Е. Н. Ярмоц<sup>3</sup> каби олимлар илмий ишланмалари алоҳида қизиқиш уйғотади.

Вояга етмаганлар одил судловига доир халқаро-ҳуқуқий тизимнинг мазмун моҳиятига оид назарий-ҳуқуқий муаммоларни ўрганган ғарб олимлари қаторига M.W.Lipsey, F.T.Cullen, L.Westra, John Muncie, Trevor Buck, Magdalena Butrymowicz, Hirschi Travis, John Muncie, Sujeta Menon, Monit Cheung, Ingrid Van Welzenis<sup>4</sup>ларни киритиш мумкин.

Ушбу олимларнинг айримлари вояга етмаганлар одил судлови ва халқаро-ҳуқуқий ҳимояси тизимига оид назарий-ҳуқуқий муаммоларни ўрганган бўлсалар, бошқалари эса мазкур муаммоларни ўз тадқиқотларининг у ёки бу жиҳатини ёритиш жараёнида кўриб чиққанлар.

Мамлакатимизда бевосита вояга етмаганлар одил судловининг халқаро стандартлари тизими юзасидан назарий-ҳуқуқий муаммолар алоҳида монографик тадқиқот тарзида ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация ишининг мавзуси ТДЮУ Илмий кенгашининг 2020 йил 20 декабрдаги 7-сонли баённомаси билан тасдиқланган.

<sup>1</sup> Ганибаева Ш.К. Ўзбекистон Республикасида Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни амалга оширилишининг халқаро-ҳуқуқий масалалари юридик фан. номзоди дис. 12.00.10 – Халқаро ҳуқуқ. Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати - Тошкент давлат юридик институти, 2008. – 150 б.

<sup>2</sup> Каримова Д.Р. “Ўзбекистон ҳудудида бола ҳуқуқлари генезиси, эволюцияси ва унинг истиқболлари” юридик фан. доктори дис. 12.00.01 – Давлат ва ҳуқуқ назарияси тарихи. Ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Юридик фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати - Тошкент ислом университети, 2017. – 150 б.

<sup>3</sup> Мазкур олимларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

<sup>4</sup> Мазкур олимларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган



**Тадқиқотнинг мақсади** вояга етмаганлар одил судлови халқаро стандартларига доир халқаро-ҳуқуқий ва миллий қонунчилик тизимини такомиллаштириш ва замон талабларига мувофиқлаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

халқаро-ҳуқуқий тизимда вояга етмаганлар одил судловига оид халқаро-ҳуқуқий стандартларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланишини таҳлил қилиш;

вояга етмаганлар одил судловига доир халқаро стандартлар ва илғор хорижий давлатлар тажрибасини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилган ҳолда уларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш истиқболларини белгилаш;

умумэтироф этилган халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда вояга етмаганлар одил судловига оид халқаро-ҳуқуқий тизимни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тегишли таклифларни ишлаб чиқиш;

вояга етмаганлар одил судловига оид халқаро-ҳуқуқий стандартлар ва Ўзбекистон қонунчилигининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили асосида Республикасининг вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда миллий тизимини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган ташаббусларни амалга ошириш;

Ўзбекистонда халқаро-ҳуқуқий стандартлар асосида ювенал юстиция (juvenile justice) ҳамда болаларнинг одил судловдан фойдаланиш (access to justice) концепцияларини жорий этиш ҳамда болаларнинг “қонуний манфаатлари” институтини ривожлантириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва б.

**Тадқиқотнинг объекти** вояга етмаганлар одил судловига оид халқаро-ҳуқуқий стандартлар тизимининг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлардан иборат.

**Тадқиқот предмети**ни вояга етмаганлар одил судловига доир халқаро-ҳуқуқий стандартлар, хорижий мамлакатлар ҳуқуқни қўллаш амалиёти, Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилиги ва имплементация қилиш билан боғлиқ масалалар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот давомида тизимлилик, муаммовий-мақсадли, қиёсий-ҳуқуқий, тизимли ва мантиқий ёндашув, синтез, юридик-техник, эмпирик материал, статистик маълумотлар таҳлили ва башорат қилиш каби махсус илмий услублардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

вояга етмаган қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолларининг олдини олишни назарда тутувчи ҳимоя ордерини бериш, тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахсга ҳимоя ордерининг нусхаси берилишига оид тартибни қонунчиликда белгилаб қўйиш зарурлиги асосланган;

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган вояга етмаган қизларнинг ҳимоя ордерини олиш тўғрисидаги ариза билан шахсан мурожаат қилишига оид ҳуқуқи ҳамда мазкур аризанинг вояга етмаганнынг қонуний вакили ёки васийлик ва ҳомийлик органининг вакили ҳозирлигида кўриб чиқилишини қонунчиликда белгилаб қўйиш зарурлиги асосланган;

вояга етмаган қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолларининг олдини олишни назарда тутувчи ҳимоя ордерида кўрсатиладиган маълумотлар тартибини қонунчиликда белгилаб қўйиш зарурлиги асосланган;

республика ўқув-тарбия муассасаларининг тарбияланувчиларида меҳнат кўникмалари ва мустақил ижодий фикрлаш қобилиятини шакллантириш, муассасадаги болаларнинг тиббий ва ижтимоий реабилитациясини таъминловчи чора-тадбирларни ҳамда тарбияланувчиларни касбга ўргатиш бўйича амалий меҳнат машғулотларини ташкил этишни қонунчиликда белгилаб қўйиш зарурлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда вояга етмаганларга нисбатан миллий одил судлов тизимининг фаол ривожланиши ва демократлаштирилиши учун ювенал юстиция (juvenile justice) тизимини жорий қилишда Ўзбекистонда ювенал юстиция тизимини ривожлантиришга доир концепцияни қабул қилиш юзасидан таклиф берилган (*Концепция лойиҳаси 1-иловада келтирилган*);

рақамлаштириш даврида болалар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини одил судлов тизимида ҳимоя этиш тизимини такомиллаштириш, айниқса интернет тизимида уларни турли таҳдидлардан ҳимоя этиш мақсадида БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциясига доир “*Рақамли маконда болаларни информацион таҳдидлардан ҳимоя қилиш тўғрисида*”ги *Факультатив протоколни қабул қилиш бўйича таклиф ишлаб чиқилган (Факультатив протокол лойиҳаси 2-иловада берилган)*;

фавқулодда вазиятларда, хусусан саломатлик учун инқирозли даврларда жиноий одил судлов тизимида болаларнинг ҳуқуқларини таъминлашга доир БМТ доирасида “*Инқирозли даврда ҳуқуқбузарлик содир қилган болаларнинг одил судловдан фойдаланишига доир БМТ принциплари*”ни қабул қилиш юзасидан таклиф берилди (*Принциплар лойиҳаси 3-иловада берилган*);

бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни самарали ҳуқуқий ҳимоя воситалари билан таъминлаш ҳамда ҳуқуқ ва имкониятларини юридик кенгайтириш орқали болаларнинг одил судловдан фойдаланишига доир БМТнинг кўрсатмаларини (Access to justice for children) миллий қонунчиликда ва амалиётда бажариш мақсадида *Ўзбекистонда болаларнинг одил судловдан фойдаланишига доир концепциясини қабул қилиш бўйича таклиф ишлаб чиқилган (концепция лойиҳаси 4-иловада келтирилган)*;

бутун дунёда одил судлов тизимини рақамлаштириш тенденцияси кузатилаётган бугунги даврда электрон одил судлов тизимида болаларнинг

одил судловдан фойдаланишига доир қоидаларни ва тамойилларни белгилаб берувчи БМТ доирасида “*Болаларнинг электрон одил судловдан фойдаланишига доир принциплар*”ни қабул қилиш юзасидан таклиф берилган;

вояга етмаганлар одил судлови халқаро стандартларини ҳисобга олган ҳолда миллий жиноят, жиноят-ижро, жиноят-процессуал қонунчилигини истиқболда янада либераллаштиришга қаратилган Ўзбекистан Республикасининг “*Болаларга нисбатан одил судлов тўғрисида*”ги Қонунини қабул қилиш юзасидан таклиф берилган;

халқаро ҳуқуқда вояга етмаганлар одил судловига доир халқаро стандартларнинг шаклланиши ва норматив шаклда ривожланиши жараёни илк бора даврлаштирилди;

халқаро ҳуқуқда вояга етмаганлар одил судловига доир стандартлар шаклланиши ва мазмунан ривожланишига қараб “вояга етмаганлар одил судлови” (juvenile justice), “болалар учун одил судлов” (justice for children), “болалар учун дўстона одил судлов” (child-friendly justice) ва “болаларнинг одил судловдан фойдаланиши” (access to justice for children) каби концепцияларга бўлинган ҳолда таҳлил қилинган;

тикловчи одил судлов (restorative justice) дастурлари ижтимоий ва психологик иш билан биргаликда вояга етмаган ҳуқуқбузарларни жамиятга янада самаралироқ реабилитация, ресоциализация ва интеграция қилишга имкон бериши асослантилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларида халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари, илғор хорижий тажрибалар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилган ва тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ҳамда тавсиялар апробациядан ўтказилиб, натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий хулосалардан илмий-тадқиқот фаолиятида, шунингдек, “Халқаро оммавий ҳуқуқ”, “Халқаро инсон ҳуқуқлари”, “Инсон ҳуқуқлари”, “Бола ҳуқуқлари”, “Ижтимоий иш” каби ўқув курсларини илмий-назарий бойитишда, маърузаларни, мунозара ва амалий машғулотларни ўтказишда, ўқув ва услубий қўлланмаларни тайёрлашда ҳамда миллий қонунчиликни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти одил судлов тизимида вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат бошқаруви органлари фаолиятидаги ташкилий-ҳуқуқий муаммоларни ҳал этиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, юридик олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнида “Ювенал юстиция”, ижтимоий-гуманитар соҳа таълим муассасаларида эса “Ювенология” янги ўқув курси сифатида ўқитилишида, шунингдек вояга

етмаганлар ҳуқуқларини суд тартибида ҳимоя этиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришда қўлланма бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциясининг 19- ва 37-моддалари талабларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш ҳамда 2008 йил 7 январдаги “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддаси талабларини тўлақонли амалга ошириш мақсадида вояга етмаган қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолларининг олдини олишни назарда тутувчи ҳимоя ордерини бериш, тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахсга ҳимоя ордерининг нусхаси берилишига оид тартибни қонунчиликда белгилаб қўйиш тўғрисидаги таклифларидан 2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-561-сон қонунининг 23-моддаси 1-бандида фойдаланилди. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг 2019 йил 2 октябрдаги 05/1-897-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф ҳимоя ордерининг тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсга, ҳимоя ордерининг нусхаси тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахсга берилиши тартибини белгилаш имконини беради;

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи вояга етмаганнинг ҳимоя ордерини олиш тўғрисидаги ариза билан шахсан мурожаат қилишига оид ҳуқуқи ҳамда мазкур аризанинг вояга етмаганнинг қонуний вакили ёки васийлик ва ҳомийлик органининг вакили ҳозирлигида кўриб чиқилишига оид тартибни қонунчиликда белгилаб қўйиш тўғрисидаги таклифларидан 2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-561-сон қонунининг 24-моддаси 1, 2 ва 3-бандларида фойдаланилди. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг 2019 йил 2 октябрдаги 05/1-897-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган вояга етмаган шахсга ҳимоя ордерини олиш учун ариза билан шахсан мурожаат қилиш ҳуқуқини қонунчиликда белгилаш имконини беради;

вояга етмаган қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолларининг олдини олишни назарда тутувчи ҳимоя ордерида кўрсатиладиган маълумотлар тартибини қонунчиликда белгилаб қўйиш тўғрисидаги таклифларидан 2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-561-сон қонунининг 25-модда 1-қисмининг 1, 2 ва 3-бандларида фойдаланилди. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик

институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг 2019 йил 2 октябрдаги 05/1-897-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган вояга етмаган шахсга бериладиган ҳимоя ордерининг мазмунини қонунчиликда белгилаш ҳамда тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган вояга етмаган шахснинг ҳуқуқлари ва ҳавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади;

республика ўқув-тарбия муассасаларининг тарбияланувчиларида меҳнат кўникмалари ва мустақил ижодий фикрлаш қобилиятини шакллантириш, муассасадаги болаларнинг тиббий ва ижтимоий реабилитациясини таъминловчи чора-тадбирларни ҳамда тарбияланувчиларни касбга ўргатиш бўйича амалий меҳнат машғулотларни ташкил этишга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 октябрдаги “Республика ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 880-сон қарорига оид “Республика ўқув-тарбия муассасалари тўғрисида”ги Низом 5-бандининг 2 ва 4-қисмларида, 14-бандининг 1, 2 ва 3-қисмлари ҳамда 22-бандида фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини ташкил этиш ҳамда жамоатчилик уюшмалари билан ҳамкорлик қилиш бошқармасининг 2020 йил 24 февральдаги 26/5-453-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф ҳуқуқбузарлик содир қилган вояга етмаганларнинг жамиятга ижтимоий мослашувини назарда тутувчи уйғунлашиш ҳуқуқини таъминлашга ва уларнинг таълим олиш ҳуқуқларининг кафолатланишига хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация тадқиқотининг асосий мазмуни ва илмий натижалари 18 та илмий анжуманда, жумладан 2 та халқаро, 16 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференция, давра суҳбатлари ва семинарларда синовдан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 2 та монография, 14 та, жумладан диссертациянинг асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 13 та (шундан 1 таси хорижда) мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўққиз параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 153 бет.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асослангандирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотдан кўзланган мақсад ва бажарилган вазифалар, диссертациянинг объекти, предмети белгиланган, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“Вояга етмаганлар одил судлови халқаро-ҳуқуқий тизимининг шаклланиши”** деб номланган биринчи бобда вояга етмаганлар ҳуқуқларини халқаро-ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимининг пайдо бўлиши, ривожланиши, вояга етмаганлар одил судлови халқаро-ҳуқуқий стандартларининг генезиси ва улар асосий принципларининг мазмун-моҳияти таҳлил қилинган.

Ушбу бобда 1924 йилги Бола ҳуқуқлари декларацияси халқаро ҳуқуқда бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда пайдо бўлган биринчи ҳужжат сифатида кўрсатилади. 1989 йилда БМТнинг 1989 йилги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясининг қабул қилиниши эса бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида муҳим воқеа бўлди. Конвенцияда биринчи марта болаларга нисбатан нафақат махсус ҳимояни талаб қиладиган объект, балки инсон ҳуқуқларининг барча турлари тақдим қилинадиган ҳуқуқ субъекти сифатида қаралди. БМТнинг 1989 йилги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси аъзо давлатлар томонидан энг кўп имзоланган ҳужжатдир.

Тадқиқотчининг фикрича, болаларнинг ҳимояга бўлган ҳуқуқини шартли 4 гуруҳга бўлиш мумкин: болалар меҳнати, жинсий эксплуатация, ҳарбий ҳаракатларга жалб этиш ва вояга етмаганлар одил судлови соҳаларида. Муаллиф Польшалик олима Magdalena Butrymowiczнинг бу борадаги фикрини (“Children’s rights in International Law”) қўллаб-қувватлайди ва биринчи иккинчи гуруҳ ҳуқуқлари болалар савдосига оид протокол билан, учинчи гуруҳ ҳуқуқлари қуролли можароларга жалб этишга доир протокол билан тартибга солинишини таъкидлайди.

Тадқиқот ишида халқаро стандартларнинг иккита тоифага бўлиниши кўрсатиб ўтилган. Биринчиси, конвенциялар бўлиб, улар иштирокчи давлатлар учун мажбурий юридик характерга эга бўлади. Иккинчидан, жинсий суд иш юритуви соҳасидаги ислохотлар ва ҳуқуқий ҳужжатларга оид инсон ҳуқуқлари стандартлари БМТнинг тавсиявий характердаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларида, яъни декларациялар, тавсиялар, принциплар, ахлоқ кодекслари ва йўриқномаларда акс этади.

Бугунги кунда халқаро ҳуқуқда вояга етмаганлар одил судловига доир халқаро стандартлар тизими яратилган. Тадқиқотчи фикрича, вояга етмаганларга нисбатан одил судлов тўғрисидаги БМТнинг минимал стандарт

қоидалари (Пекин қоидалари, 1985) вояга етмаганларга нисбатан ювенал судловни қўллаш бўйича кенг қамровли стандартларни ўз ичига олган ва болаларнинг фаровон ривожланиши зарурлигини эътироф этган дастлабки халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлардан биридир.

Диссертант фикрича, “Juvenile Justice” тушунчасига турли хил ёндашувлар мавжуд бўлиб, мазмунан унинг ташқи чегараларини белгилашда олимларнинг фикрлари ҳам бир хил эмас.

Тадқиқотчи фикрига кўра, Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича БМТнинг асосий принциплари (Ар-Риёд асосий принциплари, 1990) профилактика ва ижтимоий реинтеграция бўйича кенг қамровли ва проактив ёндашувни, деярли барча ижтимоий соҳаларни ўз ичига олган қуйидаги ижтимоий ва иқтисодий стратегияларни тақдим этади: оила, мактаб ва жамият, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий сиёсат, қонунчилик ва ювенал судловни қўллаш. Travis Hirschi (Калифорния) вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиб, боланинг ижтимоий алоқалари девиант хулқ-атвор шаклланишида асосий ўрин эгаллашини таъкидлайди. Cohen, Lawrence E., Felson, Marcusлар фикрича, просоциал алоқаларни ривожлантирмаган ёшларда ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллик юқори бўлади. АҚШлик Sujeta Menon ва Monit Cheungнинг фикрларига кўра (Хьюстон Университети), реинтеграция боланинг оила, жамият, адолатни англаш ва ресурслар билан қатъийлик (қонунбузарликда қатъийлик) ҳолатидан изчил ва муваффақиятли ўтадиган вояга етмаганларни тўғри хулқ-атвор ва жамиятга қайтариш жараёни сифатида тавсифланади<sup>1</sup>. Тадқиқот ишида БМТнинг Бола ҳуқуқлари қўмитасининг 24-сонли Умумий тартибдаги мулоҳазаларида кўрсатилган болалар одил судлови тизимида болалар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишга оид (2019) тавсиялари таҳлил қилинган.

Тадқиқотчи болаларнинг “қонуний манфаатлари” ҳуқуқий категориясининг мазмунини таҳлил қилган ҳамда “қонуний манфаатлар” қонунчиликда анъана сифатида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари билан бир қаторда бирга қўлланилувчи атама бўлишига қарамасдан, ҳозирга қадар бирор норматив ҳужжатда унинг таърифи берилмаган, деган хулосага келади. Диссертант мазкур атаманинг мазмунини таҳлил қилиб, “қонуний манфаатлар” категориясининг ўзига хос хусусиятларини санаб ўтган.

Диссертациянинг **“Вояга етмаганлар одил судловдан фойдаланишига оид халқаро стандартларнинг қўлланилиши ва хорижий давлатлар тажрибаси”** деб номланган иккинчи бобида замонавий халқаро ҳуқуқда болаларнинг одил судловдан фойдаланиш концепциясининг ҳуқуқий таҳлили, вояга етмаганларнинг одил судловдан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлашда тикловчи одил судлов механизмларини жорий қилиш масалалари ҳамда вояга етмаганлар одил судлови халқаро стандартларини

---

<sup>1</sup>Sujeeta Menon, Monit Cheung. Desistance-Focused Treatment and Asset-Based Programming for Juvenile Offender Reintegration: A Review of Research Evidence. Child and Adolescent Social Work Journal (2018) 35:459–476 <https://doi.org/10.1007/s10560-018-0542-8>.

имплементация қилиш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси қиёсий-ҳуқуқий ўрганилган.

Муаллиф миллий ва халқаро миқёсда кенг эътироф этилаётган одил судловдан фойдаланиш (*Access to justice*) ҳуқуқининг шаклланишини ўрганган. Болаларнинг одил судловдан фойдаланиш (*Access to justice for children*) концепцияси сўнгги ўн йилликларда пайдо бўлган ва инсон ҳуқуқлари ва барқарор ривожланиш бўйича халқаро дастурларда мустаҳкам ўрин олиб келмоқда.

Диссертант “*Access to justice*” БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда ҳам асосий шартлардан бўлиб ҳисобланишини инобатга олиб, Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни самарали ҳуқуқий ҳимоя воситалари билан таъминлаш ҳамда ҳуқуқ ва имкониятларини юридик кенгайтириш орқали болаларнинг одил судловдан фойдаланиш ҳуқуқини амалга ошириш мақсадида “*Ўзбекистонда болаларнинг одил судловдан фойдаланишига доир концепция*”ни ишлаб чиқиш заруратини асослаган.

Тадқиқотчи БМТ тизимида вояга етмаганлар одил судлови масалалари билан мураккаб тизим шаклланишини таҳлил қилиб, тизимда болалар одил судловига доир кўрсатмалар ишлаб чиқиш, мавжуд тизимни институционаллаштириш, соҳада ягона сиёсатни юритиш, халқаро тажрибани ўрганиш, давлатлар учун самарали болалар одил судлови тизимини яратишга кўмаклашиш ҳамда давлатлар ўртасида ижобий тажрибалар алмашиш, шунингдек, БМТ тизимидаги органлар ва тузилмаларнинг мазкур соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида *Болалар одил судлови масалаларига ихтисослашган махсус орган* ташкил этиш лозимлигини асослаган.

Бугунги кунда анъанавий инквизициявий (жазоловчи) одил судлов моделлари ўрнига ҳуқуқий низоларни ҳал этишнинг суддан ташқари, муқобил амалиётларини қўллашни назарда тутадиган одил судловнинг янги концепцияси шаклланиб бўлиб, у халқаро амалиётда “*Одил судловдан четлатиш*” (*Diversion*) ва “*Қайта тиклаш (тикловчи) одил судлови*” (*restorative justice*) каби номланади.

“*Restorative justice*” концепцияси жиноятчи, жабрланувчи ва жамият ўртасида етказилган зарарни қоплашга мўлжалланган, қайта тиклаш дастурлари жиноят содир қилган шахсларнинг жамиятга қайта мослашувини таъминлайдиган ва жабрланувчиларнинг кўркмасдан кундалик ҳаётга қайтишига кўмак берадиган чоралардан иборат бўлади.

Тадқиқотчи ювенал юстиция доирасида бола ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим муаммоларидан бири бўлган интернет тармоғида болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласига ҳам тўхталиб, ҳозирги кунда жамиятнинг барча соҳаларида рақамлаштириш жараёнининг кучайиши халқаро ҳуқуқда айнан виртуал маконда болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган алоҳида ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш ва қабул қилишни тақозо қилишини асослаган. Диссертант БМТнинг Бола ҳуқуқлари



тўғрисидаги конвенциясига доир *“Рақамли маконда болаларни информацион таҳдидлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Факультатив протокол ишлаб чиқиш заруратини асослаган.*

Тадқиқот ишида муаллиф вояга етмаганлар одил судлови халқаро стандартларини имплементация қилиш бўйича хорижий давлатлар тажрибасини ўрганган.

АҚШда ювенал юстициянинг ҳозирги ҳолати турли штатларда унга нисбатан ёндашувларнинг турлича эканлигини кўрсатади. Айрим штатларда ювенал юстиция мустақил фаолият кўрсатади, ижтимоий хизматлар томонидан бошқарилади (Ижтимоий хизмат Агентлиги, Оила ва болалар билан ишловчи хизмат), шунингдек пробация хизматлари фаолият юритади.

Буюк Британияда ювенал юстициянинг тараққий этишида бурилиш босқичи бўлиб 1998 йилда Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши бўлди, у судларда Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Европа конвенцияси қоидаларини фаол қўллашни белгилади. Қонун ижтимоий хизматлар янгилашишига кўмак берди. Айни чоғда, 1999 йилги “Ёшларга нисбатан одил судлов ва жиноят суд юритувида гувоҳлик тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда хизматлар тизимига тикловчи одил судлов элементлари киритилган.

Францияда ювенал юстиция тизими, аввало, 1945 йил 2 февральдаги “Вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузларликлари тўғрисида”ги Ордонансга асосланади, ҳамда, терговдан тортиб тарбия чораларини ижро этиш ва вояга етмаганга нисбатан кўрилган чорани назорат қилишгача бўлган босқичларни ўз ичига олади. Француз ювенал судлар тизими ювенал судья (магистрат), ювенал трибунал, присяжныйлар ювенал судидан иборат.

Германияда ёшлар жиноятчилиги профилактикаси муаммосига миллий миқёсда эътибор берилади. Унинг асосий элементи “Вояга етмаганлар ишлари бўйича судлар тўғрисида”ги Қонун бўлиб, унинг доирасида ювенал одил судлов тўлиқ ҳажмда амалга оширилади. Қонун тарбиянинг жазо устидан мутлақ устунлигини эълон қилади, унда вояга етмаганларга нисбатан тарбиявий таъсир чоралари белгиланган.

Қозоғистон Марказий Осиёда ювенал юстиция тизими кенг тарқалган мамлакат бўлиб ҳисобланади. 2012 йилда мамлакатнинг йирик шаҳарлари ва вилоят марказларида вояга етмаганларнинг ихтисослаштирилган туманлараро судлари, яъни ювенал судлар ташкил этилди. Мазкур судларда жабрланган ёки гумон қилинувчи вояга етмаган болалар билан боғлиқ ишлар кўрилади.

**“Вояга етмаганлар одил судловининг халқаро стандартларини Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига имплементация қилиш истиқболлари”** деб номланган учинчи бобда диссертант вояга етмаганлар одил судловига доир халқаро-ҳуқуқий концепцияларнинг ривожланиши, уни Ўзбекистонда жорий этиш масалалари, Ўзбекистон Республикасининг вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид миллий қонунчилик ва институционал механизмларни ўрганган ҳамда вояга

етмаганлар одил судлови халқаро стандартларини Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига имплементация қилишнинг ҳуқуқий муаммоларини таҳлил қилган, вояга етмаганлар одил судловига оид миллий тизимни такомиллаштириш юзасидан таклифларини берган.

Муаллиф вояга етмаганларнинг одил судловига доир халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг норматив шаклда ривожланишини 5 босқичга бўлган ҳолда ўрганган. Диссертант бешинчи босқичнинг келгусидаги ҳолатини таҳлил қилиб, мазкур босқич ривожланиши келгусида “*болалар учун электрон одил судлов*” (*Digital justice for children*) концепциясининг шаклланишига замин яратишини прогноз қилади.

Диссертант фикрича, 2000 йиллардан бошлаб илғор хорижий давлатлар амалиётида (Франция, Германия, Австрия, Дания, Бразилия ва б.) судлар фаолиятининг электрон шаклга ўтишига уринишлар бошланди. COVID-19 пандемияси туфайли юзага келган инқироз рақамли технологиялар ва инновацион ечимларга асосланган соҳаларни янада фаол ривожланишини, хусусан, рақамли одил судловни амалга ошириш ва ундан фойдаланиш бўйича миллий ва халқаро даражада норматив ҳужжатлар қабул қилинишини тақозо этмоқда.

Ҳозирги кунда бутун дунё ҳуқуқий ва сиёсий амалиётининг муҳим йўналиши сифатида электрон одил судлов демократиянинг асосий йўналиши сифатида баҳоланмоқда, тадқиқотчи БМТнинг Жиноий одил судлов ва жиноятчиликни олдини олиш бўйича Конгрессининг навбатдаги йиғилиши кун тартибига электрон одил судлов тизимида болаларнинг одил судловдан фойдаланишига доир қоидаларни ва кўрсатмаларни белгилаб берувчи БМТ доирасида *Болаларнинг электрон одил судловдан фойдаланишига доир принциплар*”ни қабул қилиш таклифини илгари сурган.

Тадқиқот ишида муаллиф халқаро ҳуқуқда вояга етмаганлар одил судловига доир концепцияларнинг шаклланиши ва мазмунан ривожланиши ва ўзгариши (кенгайиши) жараёнини таҳлил қилган ва даврларга бўлган.

Тадқиқот ишида келтирилишича, COVID-19-пандемияси жиддий инсоний ва ижтимоий оқибатларга эга бўлган саломатлик учун инқирозли даврни пайдо қилди. Давлатлар қисқа вақт ичида янги шароитларга мослашиш ва одил судлов органлари фаолиятини таъминлаш учун мавжуд ресурслардан фойдаланиш учун муҳим саъй-ҳаракатларни амалга оширдилар. Давлатлар бу тажрибадан хулоса қилган ҳолда болалар учун одил судлов соҳасида ҳам динамикани сақлашлари лозим.

Диссертант саломатлик учун инқирозли даврларда болалар юқумли касалликка нисбатан айниқса заиф бўлишини, бу эса суд ҳукми билан жазони ижро этаётган ёки судгача ушлаб турилган болалар саломатлиги учун оғир ва узоқ давом этадиган салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тўғрисида хулоса қилиб, бутун дунёда COVID-19-пандемияси юзага келтирган оқибатларни инобатга олган ҳолда, халқаро даражада “*Инқирозли даврда ҳуқуқбузарлик содир қилган болаларнинг одил судловдан фойдаланишига доир БМТ принциплари*”ни ишлаб чиқиш заруратини илмий асослаган.

Вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга ошириш соҳасида миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили Ўзбекистонда жадаллик билан амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида ҳал қилиниши лозим бўлган айрим муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Вояга етмаганларга нисбатан одил судлов тўғрисидаги БМТнинг минимал стандарт қоидалари (Пекин қоидалари) вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга оширишда уларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиқиб, ўзига хос ёндашувни ҳисобга олишни назарда тутди, аммо Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида қайд этилган вазифа ва тамойилларда вояга етмаганлар, уларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги қайдлар ёки изоҳлар мавжуд эмас.

Шуни таъкидлаш керакки, жиноят қонунчилигидаги айрим ҳолатлар, Пекин қоидаларининг 2-бандида баён этилган таърифларга мос келмайди, уларга кўра: вояга етмаган деб ҳуқуқбузарлик учун мавжуд ҳуқуқий тизим доирасида катта ёшлиларга нисбатан қўлланиладиган жавобгарлик шаклидан фарқ қилувчи шаклдаги жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган бола ёки ёш инсон тушунилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси умумий қисмининг вояга етмаганлар жавобгарлигининг айрим жиҳатларини кўзда тутувчи VI бўлимини истисно этганда, Ўзбекистон Республикаси ЖК катта ёшдагилар ва вояга етмаган жиноят содир этганларни деярли фарқламайди, шунингдек бир қатор процессуал ҳаракатларни амалга ошириш тартибларида ҳам деярли фарқлар мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг очиқ муҳокама қилинишини ман қилмайди, бу эса вояга етмаганлар ишларини судда кўриб чиқишда махфийликни кўзда тутувчи Пекин қоидаларига зиддир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 апрельдаги “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПҚ-4296-сон Қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида, тадқиқотчи қонун билан низода бўлган вояга етмаганларни жисмонан соғлом, маънавий етук инсонлар этиб тарбиялаш, одил судлов тизимида уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш ҳамда жамият ҳаётидаги уларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсад ва вазифаларини белгилаб берувчи “Ўзбекистонда ювенал юстиция тизимини ривожлантириш концепцияси” лойиҳасини ишлаб чиқиш зарур, деган хулосага келган.

Тадқиқот ишида Концепция асосида ҳуқуқбузарлик содир қилган вояга етмаганлар учун (одил судлов тизимида вояга етмаганлар ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида) махсус тергов, суриштирув, прокурорлик назорати органлари ва судлар тизими, шу жумладан, бу соҳани тартибга солувчи махсус процессуал қонунчилик институти яратилишини кўзда тутувчи “*Болаларга нисбатан одил судлов тўғрисида*”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини ишлаб чиқиш зарур, деган фикрга келинган.

Республикада вояга етмаган ҳуқуқбузар билан жабрланувчини яраштиришга кўмаклашишга, жазодан озод қилинган вояга етмаганларни жамоатчилик томонидан назорат қилишга қаратилган махсус дастурлар мавжуд эмас, ваҳоланки БМТнинг Ар-Риёд раҳбарий тамойиллари ва Пекин қоидаларида (11.4 банди) уларнинг зарурлиги уқтириб ўтилган: “Балоғатга етмаган болалар ишини кўриб чиқишнинг дискрецион мазмунини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида жамоа доирасида вақтинча назорат қилиш ва бошқариб туришни, жабрланувчининг реституцияси ва компенсациясини кўзда тутувчи муайян дастурларни амалга ошириш зарур”.

Тадқиқотчи фикрига кўра, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ягона ёндашувнинг йўқлиги, ҳуқуқбузарлик содир этган ёки ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ёшлар билан олиб бораётган якка тартибдаги, махсус профилактик чора-тадбирларнинг самарадорлиги таҳлил қилинмасдан қолаётганлиги туфайли бу борадаги фаолиятни тартибга солувчи ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

